

Жиззах вилоятида тарқалган *Astragalus* L. туркумининг эндемик

турлари ва уларнинг тарқалиши

З.И. Тошбекова

Жиззах вилояти Ўзбекистоннинг марказий минтақасида жойлашган бўлиб, узунлиги шарқдан ғарбга 180 км, жанубдан шимолга 175 км.ни ташкил этади.

Майдони 21,1 минг кв. км. қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган жами ер майдони 12,6 минг кв. км.ни, ўрмон ва ўрмончилик билан боғлиқ экинлар экиладиган майдон 1,6 минг кв. км.ни ташкил этади.

Вилоят рельефи паст текстликлар, чўл ва даштлар, қирлар ва тоғлардан ҳамда табиий кўллардан иборат. Тоғ ён бағирларидаги адирларда лалмикор деҳқончилик, боғдорчилик, узумчилик ва чорвачилик ривожланган.

Худуд ўзига хос мўътадил иқлимга эга. Тоғ ён бағирларида арчазорлар, бодомзорлар, ёнғоқзорлар, камёб шифобахш ўсимликлар мавжуд.

Вилоятда қишлоқ хўжалигининг асосий зонаси Сирдарё дарёсидан 127 км узунликдаги Саркисов номли Жанубий Мирзачўл канали орқали сув олади. Шунингдек, узунлиги 143 км бўлган Санзар дарёси ва 94 км узунликдаги Туятортар канали орқали Зарафшон дарёсидан сув олади.

Вилоят табиий иқлими кескин континентал. Йиллик ўртача температура 14 - 15 градусни ташкил этади. Ёзи қуруқ ва иссиқ, қиши нисбатан юмшоқ, Бахмал, қисман Зомин, Фориш туманларининг тоғлик худудларида ёз фасли бироз салқин ўтади. Вегетация даври 240-260 кун.

Ҳозирги кунда флора таркибидаги айрим ўсимлик гуруҳларининг тур таркибини аниқлашга, улар популяцияларининг тарқалиши ва замонавий ҳолатини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай ўсимлик гуруҳлари орасида Fabaceae оиласи *Astragalus* L. туркумига мансуб турларни алоҳида келтириш мумкин. Бу туркум “Ўзбекистон флораси” [8] нинг энг катта туркумларидан бир бўлиб, ўз таркибига 270 тага яқин турларни ўз ичига олади. Ушбу турларнинг аксарият қисми қимматли ем-хашак ўсимликлари ҳисобланиб, яйлов чорвачилигида муҳим ўрин эгаллайди.

Ўрта Осиёнинг айрим тоғли худудларининг флоралари ҳам *Astragalus* туркуми турларининг бойлиги билан ажралиб туради. Умумий Помир-Олой тоғларида тарқалган турларнинг 61,4 % ташкил қилади. Тоғли Ўрта Осиёнинг бошқа маҳаллий флоралари билан солиштирадиган бўлсак, ушбу кўрсаткичнинг аҳамиятини кўришимиз мумкин. Молгузар тоғ тизмасининг флорасида астрагалнинг 67 тури 5,9 %. Нурота тоғ тизмасининг флорасида 74 тур 5,8 %, Зомин қўриқхонасида 62 тур астрагал (флоранинг 5,2 %) [9] ташкил қилади. Ғарбий Туркистонга 2 та эндемик тур *Astragalus belolipovii* F.O. Khass. et Sulejm. ва *A. rusanovii* F.O. Khass. et Esankulov, фан учун 2 та янги тур (*Astragalus kuljsaicus* F. O. Khass., Sarybaeva et Esankulov ined. и *A. macranthus* (Boriss.) F. O. Khass. ined.) топилган Гербарий намуналари

hozirda ЎзР ФА Ўсимликлар ва ҳайвонот олами генофонди институти қошидаги Марказий гербарий фондида сақланмоқда.

***Astragalus belolipovii* F.O. Khass. et Sulejm.**– Белוליпов астрагали. Poyasiz o't o'simlik, bo'yi 30-40 sm. Barglari tikonsiz, uzunligi 20-30 sm. Tarvaqaylagan oq tukli, bargchalari 15-20 juft. Gulbandi gulidan uzun. Shingili yoyiq, 15-20 gulli, uzunligi 10-15 sm. Kosachasining pastki qismi ko'k, dastlab naysimon bo'lib, keyinroq pufaksimonga aylanadi, oq tukli uzunligi 12-15 mm, tishchalarining uzunligi 2-4 mm. Bayroqchasi yashilsimon-to'q qizil rangli, uzunligi 25-30 mm, yumoloq, uchi o'yilgan, qanotchasi 25-30 mm uzunlikda, qayiqchasidan sal uzun. Dukkagi noma'lum. Shimoliy Pomir-Oloydagi kamyob tur bo'lib, Turkiston tizmasidagi Zomin qo'riqxonasidagi archazorlarda tarqalgan.

***Astragalus kelleri* Popov-Keller astragali.** Poyasiz, ko'p yillik o't, bo'yi 10-20 sm. Barglari 8-12 juft bargchali, uzunligi 4-10 sm, bargchalari yumoloq, siyrak, yarim chalkash qattiq tukli. Gulbandi 4-8 sm uzunlikda. Shingili tuxumsimon, uzunligi 4-8 sm. Kosachasi naysimon, uzunligi 9-10 mm, qora, yopishgan tukli. Bayroqchasi qip-qizil rangli, uzunligi 18-22 mm, uchi tilsimon toraygan, qanotchasi 17 mm uzunlikda, qayiqchasi 13 mm uzunlikda. Dukkagi charimsimon, dog'li, ikki uyali, bandi 3-5 mm uzunlikda, qirrali, uzunligi 8-18 mm, oq va qora tukli, tumshuqchasi 8-13 mm uzunlikda. Janubiy-g'arbiy Pomir-Oloyda tarqalgan kamyob, endemik tur bo'lib, Jizzax va Surxondaryo viloyatlaridagi Nurota va Ko'xistang tizmalaridagi tosh-chag'irtoshli yonbag'irlarida tarqalgan.

***Astragalus knorringianus* Boriss-Knorring astragali.** Bo'yi 5-7 sm uzunlikdagi kulrang-yashil, yotiq tukli, deyarli poyasiz ko'p yillik o't. Barglari 2-5 sm, qalami, bandi esa 5-15 mm uzunlikda. Bargchalari 7-9 juft, qalami yoki nashtarsimon-qalami, uzunligi 5-11 mm, eni 0,5-1,5 mm, o'tkir uchli, pastki tomoni qalin yotiq tukli. Gulpoyasi 2-5 sm uzunlikda. Gullari 2-3 ta. Pishib yetilmagan dukkagi 7 sm uzunlikda, eni esa 4 mm, qisqa tumshuqchali, yotiq oq tuklar bilan qoplangan. Mart-aprel oylarida gullab, aprel-mayda mevasi yetiladi. G'arbiy Pomir-Oloyda o'sadiga kamyob, endemik tur bo'lib, Samarqand viloyati: Nurota, Molguzar va Turkiston tog'ida tarqalgan bo'lib, tog'ning o'rta qismidagi yemirilgan tub tog' jinslarida va shag'al-toshli yonbag'irlarda o'sadi.

***Astragalus leptophysus* Vved-Pufak astragali.** Ko'p yillik poyasiz o't. Ingichka novdalari faqat tuproq ostida rivojlanadi. Bargi toq patsimon 15-35 juft, uzunligi 10-20 sm, bandining uzunligi 3-7 sm, hurpaygan oq tukli. Bargchalari cho'ziq tuxumsimon, ba'zan yaproqchalari bir-biriga tegib turadi, uzunligi 10-17 mm, eni 6-9 mm. Gulpoyasi hurpaygan oq tukli. Kosachasi uzun naysimon, uzunligi 2,5 sm, eni 3-4 mm. Gullari yirik, uzunligi 3 sm gacha, qizil. Dukkagi yumoloq-tuxumsimon, uzunligi 4 sm gacha yetadi, eni 3 sm. May oyida gullab, iyunda mevasi yetiladi. G'arbiy Pomir-Oloydagi endemik tur bo'lib, Samarqand va Jizzax viloyatlari: Nurota va Turkiston tog' tizmasida tarqalgan bo'lib, har xil o'tlar, shuvoqzor va archazorlar orasida hamda tosh-shag'alli yonbag'irlarida va surilmalarda o'sadi.

***A. corydalinus* Bunge** – Бурмақоранамо астрагал. Кўп йиллик ўт. Бўйи 25-70 см. Дуккуги 11-15(20) мм, 6-10 уруғли. Май-июль ойларида гуллаб, июнь-сентябрда уруғлайди. Адир ва тоғ зоналаридаги дарахт ва бутазорларда ўсади. Гуллари сиёҳ ранг(оқиш сиёҳ ранг, пушти сиёҳ ранг ёки кизғиш сиёҳ ранг). Барглари 1-5 см, 3-6 жуфт баргчали. Тўпгули шингилсимон, 3-4 см, 10-12 гулли.

***A. inaequalifolius* N. Basil** -Нотекисбарг астрагал. Кўп йиллик ўт. Бўйи 14-25 см. Дуккуги 4-6 мм, чўзиқ-овалсимон. Адир ва тоғ зоналарида ўсади. Гуллари пушти сиёҳ ранг. Барглари 8-10 (12) см, 4-6 жуфт баргчали. Тўпгули шингилсимон, 4-8 см, 8-15 гулли.

***A. Dolichocarpus* M. Popov** - Узунмева астрагал. Кўп йиллик ўт. Бўйи 6-15 см. Дуккуги наштарсимон- қалами, (17) 20-30 мм.Май-июль ойларида гуллаб уруғлайди. Адир ва тоғ зоналари ўсади. Барглари 5-10 см, 3-5 жуфт баргчали. Тўпгули каллаксимон.тухум шаклида, 3-4 см, кўпгулли.

***A. stenanthus* Bunge** – Энсизгул астрагал. Кўп йиллик ўт. Бўйи 12-42 см. Дуккуги тухумсимон, 5-9 мм, момиксимон оқ тукли, кўпинча 2 уруғли. Апрель-июнь ойларида гуллаб уруғлайди. Адир ва тоғ зоналарида ўсади. Гуллари оч ёки оқиш сариқ (сариқ) рангда. Барглари (1,5) 3-4 см, 2-3 жуфт баргчали. Гулбанди 5-7 см. Тўпгули 2,5-4 см, кўпгулли.

***A. stalinskyi* Sirj.** – Сталин астрагали.Бир й иллик ўт. Бўйи (3) 5-10(18)см. Дуккуги қалами, деярли тўғри,3,5-5 см, уч томони илмоқсимон. Май-июль ойларида гуллаб уруғлайди. Тоғ ёрбағирларида арчазор ва буғдойзорларда ўсади. Барглари (2,5) 4-7 см, (4) 5-7 жуфт баргчали, ипсимон-қалами, қалами, баъзан осткилари узунчоқ.

***A. sieversianus* Pall.** – Сиверс астрагали, пахтак. Кўп йиллик ўт. Бўйи 60-150 см, қалин тукли. Дуккуги думалоқ-тухумсимон, узунлиги 20-22 мм, эни 15.18 мм. Май-июнь ойларида гуллаб, июнь-августда уруғлайди. Адир ва тоғ зоналарининг ёнбағирда ўсади. Барглари 2-5 ёки 4-9 см, 3-5 ёки 6-8 жуфт баргчали. Тўпгули 3-9 см, 2-3-5 гулли.

***A. severtzovii* Bunge** – Северцев астрагали. Кўп йиллик ўт. Бўйи (7) 10-25 (40) см. Дуккуги шишган, овалсимон-чўзиқ, 10-17 мм. Адир ва тоғ ён бағирларда, дарахт ва буталар тагида, баъзан бегона ўт сифатида ўсади. Май -август ойларида гуллаб мева беради.

***A.variegatus* Franch.** – Чинор астрагал. Бута. Бўйи 1 м гача бўлган бута. Бир йиллик шохлари (2)-10-20 см. Дуккуги тухумсимон-каллакчада, 5-12 см. Май-июнь ойларида гуллаб, май-августда уруғлайди. Тоғ ён бағирлари, арчазор, дарё бўйларида ўсади. Гуллари бинафша ранг. Барглари 4-9 см, 6-10 жуфт баргчали. Тўпгули шингилсимон, 2-4 см, кўп гулли.

***A. filicaulis* Fisch. et Mey** – Нозикпоя астрагал, нўхатак. Бир йиллик ўт. Бўйи 40-50 см. Дуккуги чўзиқ-қалами, 12-20 мм, деярли тўғри, текис, бир-бирига ёпишган. Апрель-июнь ойларида гуллаб уруғлайди. Соз тупроқли адирларда ўсади. Барглари (3) 4-7 (8) см.

***A. schmalhauseni* Bunge** – Шмалгаузен астрагали. Бир йиллик ўт. Бўйи (10) 20-50 см. Дуккуги тухумсимон, уч қиррали, узунлиги 14-18 мм,

эни 10-12 мм. Апрель-июль ойларида гуллаб уруғлайди. Тоғ ён бағирларида, адир, буғдойзор, дарахт ва бутазорларда ўсади. Гуллари ва дуккаги каллаксимон (шингилсимон) тўпгулга йиғилган. Тўпгули бандсиз ёки қисқа бандли. Пояси пастли қисмидан шохланади. Гули сарик.

Жиззах вилоятида тарқалган астрагал турларининг ботаник географик тарқалиши. Шимолий Туркистон эндемиги *A. belolipovii*, Помир Олой ва Ғарбий Тиён Шон (*A. aphanassjevii* Gontsch., *A. corydalinus* Bunge *A. dendroides* Kar. et Kir., *A. jagnobicus* Lipsky, *A. lasiosemius* Boiss., *A. platyphyllus* Kar. et Kir., *A. sarytavicus* Popov, *A. tibetanus* Benth. ex Bunge и др.).

Жиззах вилоятида тарқалган астрагал туркуми вакилларининг аксарияти Ғарбий Помир-Олой эндемлари ҳисобланади.

Булардан 13 тур Ғарбий Тиёншон ва Ғарбий Помир Олой тизмасининг эндем турлари ҳисобланади. Бу турлар умумий турларнинг 21,3 % ташкил қилади. Қолган 10 турлар Ғарбий Помир Олой бўйлаб кенг тарқалган. Бу турлар умумий турларнинг 16,3% ташкил қилади. *Pseudoammotrophus*, *Myobroma*, *Xiphidium*, *Erionotus*, *Lithoon*, *Macrothrix* секция турлари асосини ташкил этади. Худудида тарқалган турларнинг 3 таси Помир-Олой бўйлаб тарқалган ва умумий турларнинг 4,9% ташкил этади. Бу турлар *Brachycarpus*, *Microcystis*, *Corethrum*, *Lithoon* секциялари турлари ҳисобланади. Тоғли Ўрта Осиё худудида 7 тур *Alopecias*, *Myobroma*, *Severtzovia*, *Cystium*, *Theiochrus*, *Lithoon* секцияларининг турлари учрайди. *Astragalus* нинг баъзи турлари Помир-Олой тизмаларини Тоғлиўрта Осиё ва Хуросон, Эрон, Сибир билан боғлаб туради. Масалан, *A. lasiosemius* Boiss. (Закржевский, №113. 1934. Попов, Андросов, 1926), *A. macronyx* Bunge (Л.Назаренко, 1944 Б.Закржевский, № 255. 1935.), *A. alopecias* Pall. (Б.Закржевский, №103. 1935.), *A. stalinskyi* Sirj. (Попов, Андросов, 1926, Б.Закржевский, № 9.1934), *A. sarytavicus* Popov (Б.Закржевский, № 158. 1935. Е.Е. Короткова, 1938.). Шу билан бирга секция турларида у ёки бу худуд учун эндем бўлган турлар мавжуд (*A. sieversianus* Pall. (Е.Е. Короткова, А.П.Васильковская №169 1937.), *A. globiceps* Bunge (В.У. Макачук, 1965 год.) ва бош..).

Жиззах вилоятида тарқалган астрагал туркуми турларнинг ареали бир мунча кенг бўлиб, 15% га яқинроғи *Myobroma* (*A. severtzovii* Bunge, *A. sarytavicus* Popov, *A. farctissimus* Lipsky, *A. titovii* Gontsch., *A. adpressipilosus* Gontsch., *A. aphanassjevii* Gontsch., *A. atrivinosus* Popov, *A. lentilobus* Kamelin et Kovalevsk, *A. macronyx* Bunge), 13,3% *Xiphidium* (*A. marguzaricus* Lipsky, *A. macrotropis* Bunge, *A. canoflavus* Popov, *A. urgutinus* Lipsky, *A. knorringlanus* Boriss., *A. iskanderi* Lipsky, *A. variegatus* Franch.), 5% *Oxyglottis* (*A. uninodus* Popov et Vved., *A. sesamoides* Boiss., *A. filicaulis* Fisch. et Mey), 5% *Severtzovia*, (*A. compositus* Pavl., *A. vicarius* Lipsky, *A. schmalhauseni* Bunge) 5%, *Alopecias* (*A. alopecias* Pall., *A. eximius* Bunge, *A. globiceps* Bunge) секцияларининг турларидир.

Тик минтақаларда тарқалишига кўра адир минтақасида, тоғ минтақасида, адирдан тоғгача бўлган минтақаларида тарқалган. Бундан

кўриниб турибдики асосий турлар тоғ минтақа флорасини асосини ташкил этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Демурина Е.М. Растительность западной части Туркестанского хребта и его отрогов. Ташкент. Фан. 1975, с. 9-12, 73-129.
2. Камелин Р.В. Кухиستانский округ Горной Средней Азии. Л.: Наука, 1979. 117 с.
3. Тожибаев К.Ш, Бешко Н.Ю, Попов В.А. О проекте ботанико-географического районирования Узбекистана. Материалы конференции Биохилма-хилликни сақлаш ва ривожлантириш муаммолари. Гулистан, 2012. С. 6-10.
4. К. Ш. Тожибаев Флора Юго-западного Тянь-Шаня (в пределах Республики Узбекистан) Тошкент 2010.
5. Камелин Р.В. Флора Сырдарьинского Каратау.-Л.: Наука, 1990. С.146.
6. Тожибаев К.Ш. Флора юго-западного Тянь-Шаня.-Ташкент, Фан, 2010. С.100.
7. Бешко Н.Ю. Флора Нуратинского заповедника: дисс.канд.биол.наук. Ташкент, 1999. С.38-39.
8. Флора Узбекистана. – Т.:АН РУз., 1955.- Т.Ш. – 823 с.
9. Эсанкулов А.С. Флора Зааминского государственного заповедника: Автореф. дисс. ... канд. биол. наук. Ташкент, 2012. 19 с.
10. Ҳамидов А., Набиев М., Одилов Т. “Ўзбекистон ўсимликлари аниқлагичи” Тошкент “Ўқитувчи” 1987 йил